

**ЖИНОЯТНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА
ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ
БАРТАРАФ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ,
УЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

Файзиев Дилшод Наджимович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси

Аннотация: мақолада жиноят сабаби ва шароитларини аниқлаш ва исбот қилишда Жиноят-процессуал кодексда назарда тутилган процессуал воситалар ва чораларни қўллаш орқали бу йўналишда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган. Шунингдек, жиноят сабаби ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф қилишда алоҳида тергов ҳаракатларини тактикасини қўллашнинг аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига жиноятга сабаб бўлган ҳолатларни қўйиш жиноятчилик профилактикаси аҳамиятини оширишга кўмаклашиши тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: терговга қадар текиширув ва дастлабки терговда жиноятнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш, жиноят содир қилинишига олиб келган ҳолатларни исботлаш, жиноят сабаби ва шароитини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс

жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Шу модданинг иккинчи қисмида эса, жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим, деган қоида мустаҳкамланган.

Мазкур процессуал қоидалар жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига жиноят фош қилиш ҳамда айбдорларга жавобгарликнинг ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бир қаторда жиноятни олдини олиш, хусусан, тайёргарлик кўриладиган ёки давомли жиноятларга чек қўйиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш давомида уларнинг сабаби ва шароитларини аниқлаб, бартараф қилишнинг чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Шу боис, қонунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга қатор ваколатлар берилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

-жиноятларни тезкорлик ва тўлақонли фош қилиб, айбдор шахсларга жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш орқали фуқаролар, жамоатчилик онгида жиноятга нисбатан мурасасизлик, уни содир этишдан тийилишга қаратилган ҳуқ-атворни шакллантириш, оқибатда жиноят учун жазо муқаррарлиги тамойилига ишонч ҳосил қилган шахслар жазо таҳдиди остида жиноят содир қилиш ниятидан қайтади;

-гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жинойй фаолиятининг олдини олиш учун заруратга қараб, мажбурлов чораларини қўллаш;

-терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида жинойт сабаблари ва унинг шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида дастлабки тергов ва суд ҳаракатлари ўтказиш;

-терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов тамомлангач, шунингдек жинойт ишининг судда кўриб чиқилиши натижасига кўра жинойтнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли ваколатли давлат органлари, ташкилот, корхона, муассасалар ва мансабдор шахсларга тақдимномалар, хусусий ажримлар киритиш;

-жинойт сабаблари ва шароитларини бартараф қилиш тўғрисида тақдимномалар, хусусий ажримлар тегишли давлат органлари, ташкилот, корхона, муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилгач, қонунда белгиланган муддатда кўрилган чоралар ҳақида маълумотлар олиш.

Жинойт-процесуал кодексининг 296-моддасидаги прокурор, терговчи ва суриштирувчининг жинойт ишларини юритишда жинойтнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт, деган мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 355-моддаси талабига кўра терговчилар гуруҳи раҳбарининг ҳам ваколати назарда тутилиб, унга кўра, гуруҳ раҳбари бўлган терговчи жинойт ишини ўз юритишига қабул қилиб олиш ва дастлабки терговнинг умумий йўналиши ва пировард натижаси учун, шунингдек жинойт процессининг шу

босқичида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ва қарорнинг қонуний ҳамда асосланган бўлиши учун тўла жавобгарликка олиш билан бирга жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 297-298-моддаларига кўра, иш бўйича суриштирув, тергов ҳамда суд муҳокамасида жиноятнинг сабаблари ва унинг шароитлар аниқланган бўлсада, бироқ, улар бўйича якуний тўхтамга келиш учун қўшимча маълумотлар олиш талаб қилинадиган ҳолатлар бўйича тақдимномаларда ваколатли идорадан қўшимча текшириш ёки хизмат текшируви ўтказиш, натижаси бўйича қонунда белгиланган чораларни кўриш ҳақида талаблар қўйилиши истисно қилинмайди.

Жиноятнинг сабаби ва унинг шароитни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш жиноят-процессуал фаолият доирасида амалга оширилиши боис унинг устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг қонунда белгиланган тартиби назарда тутилган.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 384-моддасида айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ваколатлари назарда тутилиб, хусусан, прокурор ёки унинг ўринбосари жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва бошқа масалалар қатори жиноят сабаблари ва унинг шароитларини аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларни бартараф қилиш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириш шартлиги белгиланган.

Шу билан бирга, прокурор ёки унинг ўринбосари юқорида назарда тутилган процессуал мажбуриятларини адо этганидан сўнг Кодекснинг 385-моддасидаги чораларни кўриши шарт эканлиги белгиланган.

Қайд қилиш лозимки, суриштирувчи ёки терговчи томонидан жиноят сабаблари ва шароитлари билан процессуал ҳаракатлар маромида амалга оширилмаган тақдирда прокурорнинг бунга процессуал муносабати қатъий белгиланган деб айта олмаймиз.

Хусусан, шу модданинг биринчи қисми 3-бандига кўра, прокурорнинг айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиб, натижасига кўра қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан суриштирувчи ёки терговчига қайтаришга ваколатли эканлиги ҳам назарда тутилган бўлсада, модданинг иккинчи қисмида, бундай чоранинг шarti сифатида айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартиришга заруратнинг мавжуд бўлиши назарда тутилган.

Ваҳоланки, Бош прокурорининг 22.02.2016 йилги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғининг 5.26-бандида “прокурорларнинг дастлабки терговда жиноятнинг сабаб ва шароитларини синчковлик билан ўрганиш, зарур ҳолларда йўл қўйилган жиддий камчилик ва қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан масъул шахсларни сўроқ қилиш ва уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, жиноятнинг сабаблари ва

унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилаётган тақдимномаларда содир этилган жиноят сабаблари таҳлили ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар аниқ баён этилиши, уларнинг кўриб чиқилиши ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш белгиланган.¹

Шу боис, назаримизда, процессуал қонунчиликдаги бундай бўшлиқ жиноят сабаблари ва унинг шароитлари билан боғлиқ процессуал тадбирларни амалга ошириш масаласида тўлақонли прокурор назоратини таъминлаш имконини бермайди.

Юқоридагиларга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов якунига кўра айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши ўрганиб чиқилгач, жиноят сабаби ва шароити аниқланмаган ҳамда бартараф қилинмаган ҳамда бу процессуал камчилик суриштирув ёки дастлабки тергов босқичидагина тузатилиши мумкин деган тўхтамга келган назорат қилувчи прокурорнинг келтирилган асос бўйича ишни қўшимча терговга қайтариш ваколатини ЖПКнинг 385-моддасида назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят сабаби ва унинг шароитлари жиноят ишини юритиш чоғида исботлаш предмети бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритилар ҳамда исботлаш қонунда назарда тутилганидек, далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо бериш орқали амалга оширилар экан, Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасидан келиб чиқиб, далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, хусусан, сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш

¹ Терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш бўйича раҳбарий топшириқ ва кўрсатмалар.Т., 2024 й., 44-бет.

учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади, деган қондани таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли идора мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига кўра, жиноятни фош қилиш, содир бўлган жиноий ҳодиса бўйича ҳақиқатни аниқлаш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга масъул экан, айнан тергов ва суд ҳаракатлари воситасида тўпланган далилларнинг аҳамияти жиноятнинг сабаби ва шароитини аниқлаш ва уларнинг бартараф қилишда аҳамиятга эга бўлади.

Айнан шу сабабли, 03.01.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Давлат божхона қўмитасининг “Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма кўрсатмасининг 12-банди иккинчи қисмида “тақдимномада жиноят иши ҳужжатлари билан тасдиқланмаган

ҳолатларнинг кўрсатилиши ҳамда уларга тахминий баҳо берилиши йўл қўйилмаслиги” тўғрисидаги талаб мустаҳкамланган.²

Бироқ, суд-тергов амалиётида жинояга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш масаласи иккинчи даражали аҳамият касб этиб, оқибатда жиноят процессининг жиноятчиликни олдини олиш вазифасининг адо этилишига путур етказилаётганлигини инобатга олиб, берилган процессуал имкониятлардан амалиётчи ходимлар нечоғли самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида фикр юритиш жоиз ҳисобланади.

Танлов асосида ўрганилган жиноят иши ҳужжатларини шуни кўрсатмоқда, 42 фоиз терговчи тергов ҳаракатларини ўтказишда жиноят сабаблари ва шароитларига алоқадор саволларни сўроқ қилинувчи олдига қўйган, қолган 58 фоизи эса, сўроқ давомида жиноятни тафсилотлари, яъни жиноят таркибини унсурларига доир аниқлаштирувчи саволларни қўйиш билан чегараланган.

Шундай экан, жиноят сабаби ва шароитини аниқлаш масаласига тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда жиноят процессининг бошқа вазифалари каторида параллел эътибор берилмас экан, жиноятчиликни олдини олишнинг жиноят-процессуал механизмидан самарали фойдаланилаяпти дея олмаймиз.

Профессор Казанджан ўтган асрнинг 70 йилларида бу борадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ўрганиб, қуйидаги хулосасини келтирган эди: “Ҳуқуққа ҳилоф қилмишларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва уларни кейинчалик бартараф этишнинг

² Терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш бўйича раҳбарий топшириқ ва кўрсатмалар.Т., 2024 й., 150-бет.
SJIF:5.219

тўлақонлилигини таъминлаш бўйича терговчиларнинг етарли самарали бўлмаган фаолиятининг яна бир омили сифатида улар томонидан криминоген ҳолатларни аниқлаш бўйича аниқ тергов ҳаракатлари имкониятларидан фойданилмаётганлигидир»³

Албатта, жиноят сабаблари ва шароитларини аниқлашга қаратилган процессул фаолиятда тергов ва суд ҳаракатлари аҳамияти ҳақида сўз борар экан, сўроқ қилиш процессуал ҳаракатини алоҳида эътироф этиш лозим бўлади.

Чунки, сўроқ қилиш, тан олиб айтиш керакки, далиллар тўплаш бўйича кенг тарқалган ва энг самаралилардан бири бўлиб ҳисобланган тергов ҳаракатидир.

Сўроқ қилиш орқали процессуал ваколатли мансабдор шахс сўроқ қилинувчи билан бевосита мулоқотга киришиб, исботлаш предметини ташкил қилган барча ҳолатларга доир бевосита маълумот олишнинг процессуал имкониятини қўлга киритади.

Сўроқ қилиш давомида жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахс жиноят сабаби ва шароитини аниқлашни бошқа процессуал мақсадлари каторига қўяр экан, сўроқ қилинувчидан бу ҳақда тўғридан тўғри маълумот ололмаслиги тайин ҳолатдир. Балки, жиноят тафсилотларга дахлдор саволларни қўйиш орқали жиноятни содир этилишига имкон берган сабаб ва шароит тўғрисида бирламчи маълумотлар билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қуроллангач, уларни бартараф этишга қаратилган

³ Казанджан М.А. Деятельность следователя по выявлению криминогенных обстоятельств и привлечению общественности к их устранению. Министерство внутренних дел, Научно-исследовательский и редакционно-издательский отдел. Т, 1979., 15-бет.

чора-тадбирларни назарда тутган тақдимнома лойиҳасини шакллантириш бўйича илк тасаввурларга эга бўлади.

Шу боис, сўроқ қилишнинг криминалистик тактикаси бўйича шаклланган илмий асослардан келиб чиқиб, сўроқ қилинувчи билан психологик мулоқотни шакллантириш, унинг қарашлари, руҳий ҳолати, ички дунёси тўғрисида бирламчи маълумотларга эга бўлиш, сўроқ қилиш учун қўйиладиган саволлар ва олиниши кутилаётган жавоблардан келиб чиқиб, тайёргарлик кўриш ва бошқа бир қатор муҳим чоралар сўроқни ўтказишдан қўзланган мақсадни яқинлаштирувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Сўроқ қилиш тактикасининг кўрсатилган тавсиялари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноятни келтириб чиқарган криминоген омилларни аниқлаш масаласида ҳам жуда қўл келади.

Бироқ, мазкур илмий тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишлари ҳужжатларига кўра, уларнинг 74 фоизи бўйича сўроқ тергов ҳаракатлари давомида жиноят сабаблари ва шароитларини аниқлашга қаратилган тўғридан-тўғри саволлар назарда тутилмаган, бор-йўғи 5 фоизи бўйича жиноят сабаби ва унга имкон берган шароитни ўрганиш билан боғлиқ махсус тергов ҳаракатлари ўтказилган.⁴

Жиноят-процессуал қонунчиликда сўроқ қилинувчи шахснинг процессуал мақомидан келиб чиқиб, сўроқ қилишни ташкил қилишда фарқли талаблар тўғрисида ҳам гапириш жоиз ҳисобланади.

⁴Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишларини танлов асосида ўрганиш маълумотномаси.
SJIF:5.219

Чунки, жиноят сабаблари ва шароитлари тўғрисида маълумотлар тўпланар экан, сўроқ қилиш давомида бундай маълумотларни берган манбанинг процессуал мақоми айрим ҳолларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Хусусан, жабрланувчи жиноят натижасида жисмоний ва моддий зиён кўрган, жиноят тафсилотларидан бевосита хабардор ёки уларга шохид бўлган шахс ҳисобланиб, сўроқ қилиш давомида сўроқ қилувчи томонидан қўйилаётган саволларга унинг сўралган маълумотларни беришга бўлган иштиёқи кўпроқ эканлигини ёдда сақлаш керак.

Жабрланувчи, терговнинг якунидан манфаатдор бўлган шахслардан ҳисобланиб, сўроқ қилинувчи билан мулоқотга киришувчанлиги бошқа процесс иштирокчиларидан кўра кўпроқ бўлиши тайиндир.

Бироқ, Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд олдида жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги тўғрисида талаб қўйилар экан, жабрланувчининг кўрсатувлари ҳам бошқа далиллар билан текширилиши лозимлиги тўғрисидаги шу Кодексининг 95-моддасида қўйилган талабни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бу процессуал талаб сўроқ қилинувчидан жиноят сабаблари ва шароитлари тўғрисида маълумот олинаётганда ҳам амал қилиб, бошқа далиллар билан тасдиқланмаган маълумотлар келгусида криминоген

омилларни бартараф қилиш бўйича бериладиган тавсиялар самарадорлигига таъсир қилмаслиги керак.

Жиноят сабаби ва шароитларини исботлашда сўроқ қилишнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилар экан, айбланувчини сўроқ қилиш давомида олинadиган маълумотлар шу жиноий қилмиш атрофидаги криминоген омилар тўғрисидаги тўғри ташхис қўйиш учун муҳим эканлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Профессор Казанджаннинг таъкидлашича “айбланувчи, унда жиноий ҳулқ-атворнинг шаклланишига туртки бўлган салбий шахсий ҳислатлар таъсиридаги аниқ ҳолатлар тўғрисида олинishi мумкин бўлган ахборот манбаси бўлиб ҳисобланади. Фақат унинг ўзигина, унда юзага келган жиноий қасд, мақсад, жиноят содир қилишга ундаган ички қарашлари, айнан бир жой ва вақтни жиноят содир этиш учун танлаганлиги, жиноят содир этиш, унинг изларини яшириш усуллари ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисида тўла-тўқис маълумот бера олади.”⁵

Шу билан бирга, айбланувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг жиноятчиликни олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар режасини шакллантиришда аҳамияти тўғрисида гапирар эканмиз, тергов ҳаракати натижасига кўра олинadиган жиноят сабаблари ва шароити тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлиги ҳамда алоқадорлиги кўпгина ҳолларда сўроқ қилишнинг тактик жиҳатдан тўғри танланганлигига боғлиқ бўлади.

⁵ Казанджан М.А. Деятельность следователя по выявлению криминальных обстоятельств и привлечению общественности к их устранению. Министерство внутренних дел, Научно-исследовательский и редакционно-издательский отдел. Т, 1979., 22-бет.
SJIF:5.219

Айниқса, айбланувчи шахс билан тўғри психологик муносабатнинг йўлга қўйилганлиги сўроқдан кўзланган мақсаднинг самарадорлиги бўлишининг гарови бўлиб ҳисобланади.

Танлов асосида ўрганиб чиқилган жиноят иши ҳужжатларига кўра, уларнинг 26 фоизи бўйича ўтказилган суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида айбланувчи олдига жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаштиришга доир саволлар қўйилган.⁶

Суд-тергов амалиётида айнан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мазкур тергов ҳаракатини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрмаслик, айбланувчининг психологик хусусиятлари, унинг қарашлари ва фикрлашининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинмаган ҳолда ўтказилган сўроқлар нафақат сўроқ қилинувчидан қизиқиш билдирилган маълумотларни ололмасликка шароит яратиб беради, балки айрим ҳолларда айбланувчи томонидан атайин ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг берилишига тurtки бўлиб, бу эса, ўз навбатида тергов органи ички ресурсларини айбланувчи томонидан келтирилган важларни текширишга сарфланишига олиб келади.

Айнан шу сабабли тергов ҳаракатлари ўтказилиши натижасига кўра олинган далиллар билан тасдиқланмаган жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шароитга доир тафсилотларни ўз ичига олган тақдимномаларни тузиш ҳолатлари амалиётда тизимли характер касб этаётганлиги бу процессуал фаолият самарадорлига таъсир қилмоқда.

⁶ Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишларини танлов асосида ўрганиш маълумотномаси.
SJIF:5.219

Тадқиқот доирасида ўрганилган ишларининг 30 фоизигина бўйича жиноят содир этилиши ва унга имкон берган ҳақиқий сабаб ва шароит аниқланган.⁷

Шу боис, айнан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ташкил қилинган айбланувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

-содир этилган жиноятнинг сабаби ва шароити тўғрисида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш учун жиноят содир қилган шахс туғилиб ўсган, меҳнат қилган ҳамда таълим олган муҳитни тадқиқ қилиш. Муҳитга хос бўлган ҳар қандай маълумот жиноят содир қилган шахсда шаклланган жиноий ҳулқ-атворнинг моҳиятини очиб беради;

-жиноятни олдини олишга ёки жиноят содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитни бартараф қилишга масъул бўлган мансабдор шахс, ташкилот, корхона ва муассасадаги фаолиятнинг нечоғли тўғри ташкил қилинганлиги, фаолиятдаги хато ва камчиликлар қайта йўл қўйилмаслиги учун таҳлилоти ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигини ўрганиш ва зарур чора-тадбирларни белгилашнинг аҳамияти юқоридир. Чунки, қайд қилинган ҳолатларга жиддий ёндашиш жиноятнинг содир этилишига олиб келган бевосита сабабни бартараф этибгина қолмасдан, балки шу сабабнинг жиноят содир этилишига туртки бўлган шароитларни мувофиқлаштириш имконини беради.

⁷Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишларини танлов асосида ўрганиш маълумотномаси.
SJIF:5.219

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш натижасига кўра олинadиган, жиноят сабаблари ва шароитларини бартараф қилиш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар тўғрисида мулоҳаза қилинар экан, гувоҳ процессуал мақомида бўлган шахсни сўроқ қилиш аҳамиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Гувоҳ сўроқ қилинар экан, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни исботлаш учун тўпланиши зарур бўлган фактик маълумотларнинг холислиги ва беғаразлиги айнан унинг содир қилинган жиноят тафсилотларига нисбатан эгаллаган психологик позициясига боғлиқлиги илмий адабиётларда кўп бора таъкидланиб келинган.

Суд-тергов амалиётида эса учрайдиган хатолардан бири – бу гувоҳни сўроқ қилишда унинг сўроқларга жавобан бераётган маълумотлар манбаси сифатида холислигига баҳо беришга аҳамиятсиз қаралаётганлигидир.

Хусусан, жиноятга оид тафсилотлар, айникса унинг содир этилиши сабаби ва бунга имкон берган шароит тўғрисида гувоҳ сўроқ қилинар экан унинг айбланувчи ва жабрланувчи шахс билан муносабати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги даражасини ўрганишга қаратилган саволлар берилмаслиги якуний натижага таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Танлов асосида ўрганилган жиноят иши ҳужжатларига кўра, уларнинг 26 фоизи бўйича ўтказилган суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида гувоҳ олдида уларнинг айбланувчи, жабрланувчи билан муносабатларига доир саволлар қўйилган.⁸

⁸ Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишлари.
SJIF:5.219

Жиноят сабаблари ва шароитлари аниқлашда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳам ўзининг мақсади ва мазмунига кўра бошқа тергов ҳаракатлари қаторида ўзига хос ўринга эга.

Хусусан, айнан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида жиноят содир этилиши биланоқ шу жиноий ҳодисанинг содир этилишига туртки бўлган омилларни уни ўтказаетган процессуал ваколатли шахс яққол кўриш имкониятига эга бўлади.

Фақат бунинг энг зарурий шarti – мазкур тергов ҳаракатининг сифатли, самарали ва юқори профессионал даражада ўтказилганлигидир. Тергов ҳаракати самарадорлигининг инкор қилиб бўлмас шarti эса унинг кечиктириб бўлмас вазиятда дарҳол ўтказилиши, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари бўлиб ҳисобланган криминалистика техника воситаларининг қўлланиши даражасига боғлиқдир.

Хусусан, ўғрилиқ содир бўлган захотиёқ ҳодиса содир бўлган жойга чиққан терговчи шу жиноятни содир этилишига имкон берган виктимологик омиллар, мулкни қўриқлаш билан боғлиқ мулкдор томонидан йўл қўйилган ҳаракатсизлик белгилари ва бошқаларни кўра олиш имкониятига эга бўлади.

Бежизга, жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур тергов ҳаракатини жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўтказилишига йўл қўйиб берилмаган.

Ратинов А.Р.нинг фикрича, “ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятни шу ҳудудда ҳаракат қилиб, текширилатган ҳодисанинг бевосита

иштирокчиларига айланган шахсларнинг моддий психологияси сифатида баҳолаш мумкин.”⁹

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш содир бўлган жиноий ҳодиса ва бу билан боғлиқ жиноят содир этилиши учун танланган қулай вақт, жой ва усулларга асос бўлган криминоген ҳолатларни фош қилишнинг самарали воситаси бўлиб ҳисобланади.¹⁰

Чунки, айрим ҳолларда жиноий ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижасига кўра терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд нафақат жиноят сабаби ва унга имкон берган шароитни кўра олади, балки шу жиноий ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида жиноятнинг янада ижтимоий хавфли юқори қилмиш содир этилиши учун тайёргарлик босқичи бўлганлиги ҳақида мулоҳаза юритишга асос бўлувчи маълумотлар олиш имконини беради.

Жиноят сабаби тўғрисида фактик маълумот олишга имкон берадиган тергов ҳаракатлари орасида тергов эксперименти ўзининг аҳамияти жиҳатидан муҳим процессуал манба бўлиб ҳисобланади.

Чунки, айнан тергов эксперименти ўтказиш орқали терговчида жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитлар тўғрисида тергов тахминларини текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, сўроқлар, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасига

⁹ Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М., 1967, 254-бет.

¹⁰ Казанджан М.А. Деятельность следователя по выявлению криминогенных обстоятельств и привлечению общественности к их устранению. Министерство внутренних дел, Научно-исследовательский и редакционно-издательский отдел. Т, 1979., 30-бет.

кўра олинган ахборотни аниқлаштириш, тўлдириш, шунингдек, янги криминоген омиллар тўғрисида маълумотлар олиш имкони пайдо бўлади.

Профессор Белкин Р.нинг фикрига кўра, тергов экспериментининг жиноятни олдини олишдаги роли шундаки, уни ўтказиш орқали:

а) қандай ҳолатлар жиноят содир этилишини осонлаштиргани ва бунга имконият яратиб берганлиги;

б) шу шароитлар ўхшаш жиноятлар содир этилиши имкониятини йўққа чиқариш учун қандай ташкилий-маъмурий ёки техник тавсифдаги чоралар кўрилиши мумкинлигини ўрганиб, ҳал қилишга кўмак беради.¹¹

Экспертиза текшируви ҳам жиноят сабаби ва унга имкон берган шарт-шароит тўғрисида маълумот учун ишончли, илмий асосланган процессуал манба бўлиб ҳисобланади.

Чунки, Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Шу ўринда қайд қилиш зарурки, қонунда назарда тутилган иш учун аҳамиятли ҳолатлар тушунчаси мазкур илмий иш доирасида тадқиқ қилинаётган жиноят сабаби ва шароитларини ҳам қамраб олади. Жиноят иши бўйича суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси ўтказилар экан шу

¹¹ Белкин Р.С. Эксперимент в следственной, судебной и экспертной практике., М., 1964, 51-бет.
SJIF:5.219

жиноятнинг келиб чиқиши сабаби ва унга имкон берган шароитларни аҳамиятсиз ҳолатлар деб санаб бўлмайди.

Ўз навбатида, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини таҳлил қилар эканмиз, умуман олганда, жиноятни профилактика қилиш масаласигагина оид бўлган ҳолатларга алоқадор вазифаларни эксперт олдига қўйиш учун терговчи ва суднинг ҳуқуқларини чеклашлар мавжуд эмас, деб айта оламиз.¹²

Криминоген омилларни исботлаш воситаси сифатида тергов ҳаракатлари тизимида экспертизанинг муҳимлиги шундаки, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш учун идрок этишнинг илмий методлари қўлланилади.

Албатта, жиноят-процессуал қонунчилик талабига кўра, экспертиза тайинлаш натижасига кўра олинган хулоса терговчи учун бошқа далиллар ичида устувор аҳамиятга эга эмас. Балки, экспертиза хулосаси ҳам бошқа далиллар қаторида текширилиши ва баҳо берилиши лозим бўлган фактик маълумот манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бежизга, Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддаси талабига кўра, эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза

¹² Пинхасов Б.И. Некоторые вопросы профилактической деятельности судебного эксперта, Научные труды ТашГУ, вып.479, Т., 1975, 28-бет.
SJIF:5.219

ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим, деган қоида белгиланмаган.

Бироқ, Жиноят-процессуал кодекси 184-моддаси иккинчи қисмига кўра, экспертиза хулосасида:

-қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмуни ва натижалари;

-эксперт текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар сингари талаблар мавжудлиги, табиий равишда унинг бошқа далиллар орасида устуворлигини белгиламасада, ишончлилиги даражасини оширади.

Шу боис, шу модданинг учинчи қисмида хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.¹³

Танлов асосида ўрганиб чиқилган жиноят иши ҳужжатларига кўра, уларнинг 45 фоизи бўйича ўтказилган суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида турли масалалар бўйича судга оид экспертизалар тайинланган бўлсада, уларнинг атиги 18,5 фоизи бўйича эксперт олдида жиноят сабаблари ва шароитларини аниқлаб беришга қаратилган саволлар қўйилган.¹⁴

Кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисидаги сўроқ қилинувчи шахслар томонидан берилган маълумотларни текшириш

¹³ Lex.uz./ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

¹⁴ Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишлари.
SJIF:5.219

имконини бериб, мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш натижасига кўра терговчи гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларидаги криминоген ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилинади.

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилар экан, терговчи жинойий ниятнинг рўёбга чиқарилиши, жиноят излари яширилиши ва келиб чиққан оқибатлар оғирлаштирилишига йўл қўйиб берган шароитларни жойига чиққан ҳолда фош қилади ва аниқлик киритади.

Жиноятнинг сабабини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасига кўра, қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

-жиноят сабаблари ва унга имкон берган шароитни жиноят процессида аниқлаш учун уларга исботлаш предмети сифатида ёндашилганда ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган исботлаш воситалари, яъни тергов ҳаракатлари амалга ошириш орқали тўпланадиган фактик маълумотлар орқали тасдиқланганда ишни тўғри ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади;

-Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида назарда тутилган дастлабки тергов ва суд ҳаракатлари натижасига кўра жиноят сабаблари ва унга имкон берган шароитлар тўғрисида ишончли, мақбул ва алоқадор фактик маълумотлар олингандагина жиноят содир этилишига тўртки бўлган криминоген омиллар тўғри ва тўлақонли аниқланди деб айта оламиз;

-ҳар қандай дастлабки тергов ҳаракатининг самарадорлиги ва натижадорлиги уларни ўтказишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда

белгиланган тартибига ва криминалистик тактикасига боғлиқ бўлгани боис тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида жиноят сабаблари ва шароитларига доир фактик маълумотларнинг тўлақонлилиги уларни тўплаш, текшириш ва баҳо беришнинг процессуал тартибига риоя қилинганлигига боғлиқдир;

-дастлабки тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш чоғида жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган жиноятни фош қилиш, айбдорларга жавобгарликнинг ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан параллел равишда жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган чоралар кўрилгандагига уларни келгусида манзилли чора-тадбир белгилаш учун хизмат қилади деб айта оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш бўйича раҳбарий топшириқ ва кўрсатмалар.Т., 2024 й.
2. Казанджан М.А. Деятельность следователя по выявлению криминогенных обстоятельств и привлечению общественности к их устранению. Министерство внутренних дел, Научно-исследовательский и редакционно-издательский отдел. Т, 1979.
3. Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М., 1967.
4. Белкин Р.С. Эксперимент в следственной, судебной и экспертной практике., М., 1964.



-
5. Пинхасов Б.И. Некоторые вопросы профилактической деятельности судебного эксперта, Научные труды ТашГУ, вып.479, Т., 1975.
6. Зуйков Г.Г. Выявление в процессе расследования причин и условий, способствующих совершению преступлений и принятие мер к их устранению. М., 1964.
7. Зеленецкий В.С. Предупреждение преступлений следователем. Х. «Вища школа». 1975.